

ДАЛА ИШЛАРИНИ КОНВЕЙЕР УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 245 (4236).

13

ДЕКАБРЬ

ШАНБА

1969 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин

ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИ— ТАРБИЯ МАКТАБИ

Бошланғич партия ташкилотлари партиянинг асоси бўлса, партия йиғилишлари бошланғич ташкилотларнинг олий органи ҳисобланади. КПСС Уставида партия йиғилишларининг катта аҳамиятига эътибор қилиниб, бу йиғилишлар партия ички демократиясини янада ривожлантиришга, ишда коллективчиликдан иборат ленинча принципларини мустаҳкамлашга, ташкилотнинг жанговарлигини кучайтиришга, коммунистларнинг партия ҳаётида актив иштирокини таъминлаш, аниқларнинг ролини ошириш ва уларни коммунистик идеаллар, ватанпарварлик, юксак оғиллик руҳида тарбиялашга хизмат қилган алоҳида курсатиб берилган.

КПСС Марказий Комитети Ярославль шаҳар партия комитетининг партия йиғилишларини ўтказиш практикаси тўғрисидаги ҳисоботи муҳомада қилинди. Қабул қилинган қарор биргина бу шаҳар партия ташкилотлари учунгина эмас, балки мамлакатимиздаги барча шаҳар, район, бошланғич ташкилотлар фаолияти учун ҳам катта программ ҳужжатдир.

Областимизнинг партия ташкилотлари йиғилишлари, пленум ва конференцияларини ўтказишга жиддий эътибор бермоқдалар. Партия йиғилишлари кўп жойларда олдиндан пухта ҳозирлик қилинган ҳолда, масалалар, яхши ўйлаб, атрофлича ўрганилиб, барча коммунистларнинг актив иштирокида ўтказилмоқда. Тошкент шаҳар партия комитети, Куйбисев, Фрунзе, Ленин, Чилонзор, Янгийўл, Калинин ва Ўрта Чирчиқ район партия комитетлари, Чирчиқ, Янгийўл, Олмалик, Охангарон шаҳар партия комитетлари партия йиғилишлари коммунистларнинг тарбиясида катта мақсад ақаллигини яхши тушуниб, уларнинг ҳар жиҳатдан ушшоқлиқ билан ва юксак савияда ўтиши, қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши юзасидан назоратни кучайтириш масалаларига жиддий эътибор бермоқдалар.

Партия йиғилишлари олдиндан бундан олдинги йиғилишларда қабул қилинган қарорларнинг ижроси ҳақида ахборот бериб бориш, навбатдаги йиғилишларда муҳомада қилинадиган масалаларни коммунистларнинг эътиборига тақдим этиш кўпчилик партия ташкилотларида одат бўлиб қолди. Комитет секретари ёки корхона раҳбари, айрим ҳолларда эса коммунистлар йиғилиш қарори асосида топширилган вазифаларнинг қандай бажарилаётганлиги ҳақида ҳисоб берадилар.

Бирок областимиз шаҳар ва районларидаги айрим партия ташкилотлари ва комитетлари йиғилишларини ўтказишга етарли эътибор бермаяптилар. Улар партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш практикасида камчиликларга йўл қўймоқдалар. Бу соҳада КПСС Уставида кўзда тутилган талаб ва қоидаларга риоя қилинмаяпти. Партия йиғилишлари кўзда тутилган мuddатларда ўтказилишмайди. Масалаларни тайёрлаш ва муҳомада қилиш юзаси бўлиб, коммунистларнинг тўла иштироки таъминланмайдиган. Область партия комитети Оржоникидзе район партия ташкилотларида йиғилишларга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш практикасини муҳомада қилди. Бу район партия ташкилотларида бир нунча икки йиллар билан бир қаторда, партиянинг ташкилий ва идеологик ишларининг муҳим соҳаси бўлган партия йиғилишларини ўтказишда қатор камчилик ва нуқсонларга йўл қўйилмоқда. «Уз-

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 12 ДЕКАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир қунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Калинин	2,5	103,0	—	56,4
Оржоникидзе	2,4	95,1	—	54,5
Бўстонлиқ	0,5	90,5	—	42,1
Янгийўл	4,1	66,5	—	25,2
Юрди Чирчиқ	0,8	66,3	—	55,7

Журнал ТАХТАСИ

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎИЧА

«Ленинград» колхоз (райси Т. Эрназаров, партия ташкилотнинг секретари Х. Давиров, бош агрономи Қ. Роҳаталев ўртоқлар).

Собир Раҳимов номи колхоз (райси У. Ҳасанов, партия ташкилотнинг секретари М. Шаменов, бош агрономи Ш. Алимов ўртоқлар).

Энгельс номи колхоз (райси Э. Шамсиев, партия ташкилотнинг секретари А. Раимқулов, бош агрономи У. Утарбоев ўртоқлар).

Навоий номи колхоз (райси Х. Ақромов, партия ташкилотнинг секретари К. Каранчалов, бош агрономи М. Усмонов ўртоқлар).

«Коммунизм» колхоз (райси М. Исмаилов, партия ташкилотнинг секретари Р. Эшонқужаев, бош агрономи Б. Мирзаарҳмедов ўртоқлар).

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎИЧА

«Партия XXII съезди» колхоз (райси У. Абдуллаев, партия ташкилотнинг секретари Х. Мадалиев, бош агрономи З. Муминов ўртоқлар).

«Полярная звезда» колхоз (райси Ким Пен Ха, партия ташкилотнинг секретари Т. А. Е, бош агрономи Тен Ен-Сен ўртоқлар).

ФИДОКОРОНА МЕХНАТ САМАРАСИ

Бу йил пахтакор деҳқонлар учун анча оғир келди. Йилнинг бошида қиш совуқ бўлди. Қор қалин тушди. Бу эса чигит экинчи ерларнинг белгиланган нормадан ҳам зиёдор заҳлатиб юборилишига сабаб бўлди.

Баҳор-ойлари ҳам анчагина қийинчиликларга дуч келди. Тез-тез ёғир, дўл бўлиб турди. Янадан қишқарилаш ва энди буй қўзаётган нисолларнинг қўши шикастланди.

Қузда бизнинг колхозда ва қўшни хўжаликларда ҳам шудгор қилинмаган ерлар кўп эди. Баҳорда ер ҳайдашга тўғри келди. Юрдидаги аҳолининг рўй бериш орасида гузаларимиз кеч ҳосилга кирди, уни йиғиштириб олиш қўзилди. Лекин, биз очилган пахталарни пешма-пеш териб, вақтни қўзда бермаслик учун барча чора ва тадбирларни кўрдик. Колхоз раҳбарлигини, партия ташкилоти бутун диққат эътиборини пахта етиштириш юзасидан эъланга олган мажбуриятини бажаришга қаратдилар. Натижада об-ҳаво қийинчиликлари енгилди. Машина билан териб иккинчи бўлмаган майдонлардаги ҳосил қўл кучи билан йиғиштириб олинди.

Хар бир бригадани иш пухта ташкил этилди. Шунинг учун ҳам суръат-суръат қўшни иккинчи эга бўлди. Буни Худойқўл Султонов бошлиқ бригада мисолида ҳам кўриш мумкин. Бригада аъзолари ҳосилни ноқулай қилишга йўл қўйишмади. Сўнгги граммларини ҳам йиғиштириб олишга ҳаракат қилишди. Оқибатда бригадани аъзолари планингина эмас, мажбуриятини ҳам шараф билан бажарди. 17 ўнгира 26 цент-

нердан ҳосил йиғиштириб олинди. Ҳосилнинг ҳаммаси деярли биринчи сортларга қабул қилинди. Шу бригаданинг Турсулнали Яхиянов бошлиқ звено аъзолари планини 151 процент қилиб бажардилар.

Ғани Тоҳибоев, Узоқ Саидов бошлиқ қилган бригадаларнинг аъзолари ҳам ҳар гектар ердан пландагига нисбатан 6—7 центнердан ошириб пахта топширдилар. Бундай пешма-пеш, пландан ортиқча «оқ олтин» топширган бригада ва звенолар бизда кўп. Ушлар колхозчиларимиз пахта териб, қўрак олишда, куришда, давлатга топширишда жоноблик кўрсатдилар. Марям Ражабова, Муҳаббат Нодирова, Очар Раҳимов ва кайи аёлларимиз меҳнатини ҳар қанча мақтасак арзийди. Улар ер текислаш, қатор ора-ларини топиш, ҳосилни йиғиштириб олишда ўрнат бўлишди.

Пилимиз муваффақиятли янқулапти. Биз 775 гектар майдондан 1600 ўнгира 1630 топадан ортиқ пахта топшириб, планимизни ошириб бажардик.

Шуни айтиш керакини, ҳосилни тез ва тоза йиғиштириб олишда Охангарон шаҳаридан келган ҳашарчилар бизга яқиндан ёрдам бердилар. Улар пахтакорлар билан қўли-қўлга берилб фидокорлик кўрсатдилар. Айниқса 32, 33-мактаб ўқувчилари, 9-нон ишчиларининг бизга кўрсатган ёрдамларидан го-ят хурсандимиз.

Шу кунларда даладаги ҳосилнинг сўнгги граммларини йиғиштириб олаётимиз.

Умуман, биз беш йилликнинг тўртинчи йили янқуларидан мамнунимиз. Пахтачилик билан бир қаторда бошқа соҳалардан би планлар ҳам ошириб бажар-



ИШЧАН ТРАКТОРЧИ

Б. ОМОНҚУЛОВНИ Ўрта Чирчиқ районидagi Свердлов номи колхоз деҳқонлари ҳурмат билан ана шундай аташади. У ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги билан колхозчилар ўртасида ҳурмат-эътиборга сазовор. Омонқулов доимо ҳамкасбларига ўрнат бўлишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам барча ишда пешқадамлик қилиб келмоқда. Шу кеча қундузда у ўз трактори билан 6—7 гектар ерни сифатли шудгор қилди. Суратда: Б. Омонқулов.

А. Абалия фотоси.

356.000

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА
ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ
ТЎҒРИСИДА 12 ДЕКАБРГАЧА
БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Йиллик планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир қунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

ОКҚҲҲҲҲҲ	0,05	105,15
ЯНГИЙЎЛ	0,01	102,98
ОРЖОНИКИДЗЕ	—	100,75
Юрди Чирчиқ	0,09	93,11
Ўрта Чирчиқ	0,15	89,87
Бекобод	0,27	83,83
Бука	0,23	82,13
Область бўйича	0,13	93,37

ТОННА УЧУН

ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖЛАНАЯПТИ

Ўрта Чирчиқ районидagi На- линин номи колхозда чорва- чилик учун ем-хашак базасини мустаҳкамлашга алоҳида аҳа- миёт берилмоқда. Колхознинг Ухтам Очлов бошлиқ 12 ки- шидан иборат ем-хашак тайёр- лаш бригадаси аъзолари 400 тоннадан зиёд сифатли пичан ва 1000 тонна ўнгира 1550 тонна силос тайёрладилар.

Зооветеринария қондалари асосида иш тутаётган чорвадор- лар моллар туғганини қўпайти- ришга алоҳида эътибор бермоқ- далар. Натижада моллар бош соин топшириги ортиги билан бажарилиди. Ҳозир қорамоллар 560 ўнгира 580 тага етди. 155 бош соин ситирини ҳар бири- дан мўлкадаги сут соғиб олиняпти. Ферманинг В. Турсу- сова, А. Петрова, Х. Аширова ўртоқлар сингари меҳнатсевар- лари йиллик топшириқини бажа- риш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Ҳўжаликда чорва қишлоғига яхши тайёргарлик қўрилди. 12 кишидан иборат бўлган ремонт бригадаси коллективни тез орада 4 та молхона, чўчкахона ва то- вуқхонани ремонт қилиб тар- тибга келтиришди.

Колхозда паррандачилик

БАЙРОҚДОР ҲАШАРЧИЛАР

Тошкент Давлат университетининг студентлари термининг би-ринчи кунларидиёқ Сирдарё об-ластининг пахта далаларига от-ланган эдилар. Яқинда биз улар даврасида бўлдик. Студентлар «Бир грамм ҳам пахтани ерда қол-дирмаймиз» — деган шпор ости-да меҳнат қилмоқдалар.

Кун кеч бўлиб қолганига қара-май улар пахтазордан чиққанла-ри йўқ. Тарозбонининг кўли-қўли-га тегмайди.

Мана бир қиз терган пахтасини тарозига қўяди. — 40 килограмм.

— Бугунгиси қанча бўлди, — мурожаат қилди унга.

— 100 килограмм, — деди у та-бассуа билан.

Бу филология факультетининг 3-курс студенти Обидохон Эшма-това эди. Бу курсда чаққон те-рикчилар кўп экан, курс комсо-мол ташкилотининг секретари Муҳаммаджон Ҳайдаров шундай деди:

— Курсимиз студентлари те-ринида жоноблик кўрсатиб иш-лашапти. Студентлардан Обида Эшматова, Хуррам Бекпазаров, Фазилат Мисирдинова каби ўр-тоқлар термининг дастлабим кўн-лариди 150—200 килограмдан пахта теришган бўлса, шу кўн-ларда 100—150 килограмдан кўрак териб, Ватанимизнинг ул-кан хирмонига ўзларининг муно-сиб ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Пайкал оралиб илгари юрми-2-курс студентлари — Холида Мухамедова, Мухиддин Назрул-леев, Муннат Тўлгановалар ҳам теринида кўпчилик олқинига сазовор бўлмоқдалар. Уқитувчи-лардан Р. Бегалев, Р. Жуманиё-зовлар уларга бошқош. Р. Жума-ниёзов 60 ёшда бўлишга қара-май кўнига 80—100 килограм-дан кўрак термоқда.

Ноябрь ойининг иккинчи ўн-кунлигида университет оғи-уқу юрлари ичиде биринчилик-ни олиб республика кўча Қизил байроғи ва пул мукофоти билан таъдирланди. Бунда ҳар бир сту-дентнинг муносиб ҳиссаси бор.

Филология факультети студент-лари яна 475 гектар ердаги пах-тазорини тозалаш мажбуриятини ошмади.

Гўлестон районидagi Усмонов Юсулов номи 18-соҳок ишчи-лари студентлардан нисбатда йилликдан бўлмоқдалар.

З. СУЛТОНАЛИЕВА.

БЕКОВОД райони-даги «Победа» колхоз-ининг Раҳмонқул Бозорбоев бошлиқ қилаётган илгор учас-та коллективни бу йил пахтадан катта кирмон кўтарди. Улар ўзлари-га қарашли 260 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан планда бел-лангандан 3—4 центнер кўп ҳосил йиғи-б олишди. Ҳозир қунда участка пах-такорлари сўнгги ҳосилни йиғи-штириб олаётимиз. Суратда: Р. Бозорбо-ев терилган қўсақлар-ни кўздан келтирмоқда. Н. Аюбонов фотоси.



МҲЙНАЧИЛАР ПАХТАКОРЛАРГА

Кўн-мўна заводининг иш-чи-хизматчилари ва инженер-техник ходимлари доҳий-миз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани аниқ олдириб юбордилар. Улар 11 ойлик маҳсулот тайёрлаш топширигини муддатидан олдин бажариб, қўшмача 30 минг сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришди.

Заводда аёллар ва болалар учун мўнадан пальтолар, эркаклар телпаклари ва бошқа маҳсулотлар тайёрланипти, ҳозир.

Мўйначилар яқинда янги буюртма олдилар. Корхона коллективини декабрь ойида қишлоқ меҳнаткашлари учун бир неча минг донга телпак ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Завод ақли бу муҳим топшириқни ўз вақтида адо этиш учун иш суръатини тезлаштириб юборди.

Маана телпак тикув деҳидамиз. Бу ерда иш қизил, Икки қатор қилиб тикув машиналари, қозиллаш ва дазموлаш станоклари ўрнатилган. Иш конвейер усулида олиб борилади.

Биринчи жараён шу ердан бошланади. — дейди цех бошлиғи Муборак Усмонова. — Ўн иш жараёнини заводда кўп йиллардан бери ишлаб чиқариб келган Венера Тақировна бажарипти. Ўн иш телпакка астар ёпиштирилган, уни Юля Букина қабул қилиб олмақда. Юля ёпиштирилган астарни тайёр ҳолга келтиради. Уян пардозин Санобархон Ақромовага ўзатади. Санобархон пардозин дейинишга сабаб шунки, у тайёр бўлган телпакларини машина етказиб билан тозалайди ва дазмолайди. Сўнгра у қозилланади. Бу операциядан кейин телпак яна сўнги пардоздан чиқарилади. Унга корхона белгиси қўйилиб, савдо ташкилотларига юборилаверади.

Айни пайтда цех азаматлари кунини 1 минг 50 телпак ўрнига 1500 телпак тикишга. Ленинча меҳнат бахтисига туриб ишлаётган бу дугоналар меҳнати самараси шундай баракали бўлади.

З. АХТЯМОВА.

Орамда шундай беҳишат, мафокат одамлар борки, улар ўзлари ҳақида мақтаниб гапирини хуш кўрнмайдн, касбдошлари тўғрисида аса гурур билан ҳикоя қилишади. Уларнинг таъсири, кўмаги билан амалга оширилган ишларни барчаннинг ютуғи деб ҳисоблайшади. Коммунист Тўлаған ака Бобоев ҳам худди шундай олийхизмат қишлоқларда.

Тўлаған ака элли бешинчи баҳорга қадам қўймоқда. 1944 йилдан бери Калинин районининг генерал Собир Раҳимов номи колхоз партия ташкилотчи ҳисобида туради. Шу давр ичда унга қандай вазифа юклатилган бўлса, ҳаммасини ўз вақтида бажо келтирипти, партия ташкилотининг топшириқларини бажоринида урдалаб келтипти. Шу бондан бўлса керак, Тўлаған ака колхозчилар ўртасида, бутун қишлоқ меҳнат ақли орасида катта ҳурмат қозонган.

Коммунист Бобоев колхозда 12 хонадонга сисий ахборотчи қилиб бйркитилган. У ака шу хонадонларда тез-тез бўлиб туради; одамлар билан дилдан суҳбатлашади, ҳар бирининг қалбига йўл тона олади. Шунинг учун ҳам бу хонадонларда ақиллик, дустлик ва биродарлик, меҳнатга муҳаббат, ижтимоий ҳаётга активлик ҳислатлари сезилиб турибди.

Забенкстон Компартияси Марказий Комитети, Забенкстон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министр

СИЁСИЙ АХБОРОТЧИ

лар Советининг бу йилги ҳисобини қўлиб қилмай йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш тўғрисида барча меҳнаткашларга қарата қабул қилган Муроаати газеталарида ёзилган қилинган, Тўлаған ака ҳам сисий агитация ишларини ҳар қачонгидан кучайтириб юборди. Пахтанинг мамлакат қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти, социалистик иқтисодини мустақамлашдаги роли, халқ фаровонлигини ошириш ва ободчилик ишларини кенг қўриқларини бажоринида урдалаб келтипти. Шу бондан бўлса керак, Тўлаған ака колхозчилар ўртасида, бутун қишлоқ меҳнат ақли орасида катта ҳурмат қозонган.

Колхозчи Сароқиддин Шермухамедовнинг ҳовлисида ўтказилган суҳбатда 12 хонадондаги одамларнинг ҳаммаси қатнашди. Суҳбат тамом бўлганда кейин Юсуф Усмонов, Нишониб Умарова, Мавлон Азизов сингари олти киши пахтазорга чиқиб, меҳнаткашларга ёрдам беришга тайёрланди. Бу азаматлар колхозда сабабот маҳсулотлари сарншлаб олишга, Бекобод

районидида Навоний номи колхоз далаларига ўтганиди. Шу қишлоқда улар кўп ва сифатли пахта териб, меҳнатда катта жасорат кўрсатаётганлар.

Тўлаған Бобоевнинг ҳар бир суҳбати амалда яхши самаралар бермоқда. «Колхоз — барча дарёси» мавзусида ўтказилган суҳбати аниқс, ҳаёқонларни бўлди. Бу суҳбатда колхознинг даромад манбаъларини бирма-бир санаб берди. Шу билан бирга, кейинги кунларда вақт ўтиб кетмастлиги, қарам ва сабзанинг бир қисми халқ даллада турганлиги тўғрисида аниқ гапирди. Сисий ахборотчининг бу сўзларидан йиғилганлар тегишли хўласа чиқариб олдилар. Кўп болани аёллардан Қўндўз Назарова, Адолат Алимовна, пенсонерлардан Алмат Норматов ва бошқалар далага чиқиб, сабаботларига ҳоли-қудрат ёрдам бераётганлар.

Коммунист Тўлаған Бобоев колхознинг янги намунавий Устави ҳақида яқинда ўтказилган суҳбат ҳам жуда мароқли бўлди. Уставадаги асосий моддаларни, ҳусусан, колхоз аъзоларининг бурчлари ва вазифаларини, ҳар хил фондларнинг келиб чиқилиши, даромаднинг

қандай тақсимланишини, бойлигини ҳисоблаётган ердан оқилонга фойдаланиш зарурлигини ва сўзд делегатларининг бу ҳақдаги мулоҳазаларини кенг тўшатириди. Бу суҳбат ҳам йиғилганларнинг меҳнатда бўлган қишлоқини янада кучайтириди. Колхозчи хонадонлари парник ўраларини тозалаш, қўғи чиқариш ишларига қўшимча куч ажратдилар. Шундай қилиб, дала ишлари янада жонланиб кетди.

Қайси бир суҳбатда тинловчилар қўшмача нўхотда сертупроқ, чанг, қишда эса ҳаддан ташқари лой бўлиб қолади, деб ари қилишди. Тўлаған ака аҳолининг бу шикоятини оқибатсиз қолдирмади. Область Советининг депутат Раҳима Жалолова билан мувожаат қилди. Депутат билан ҳамкорликда тегишли ташкилотларга борди, колхоз правлениесен ёрдам кўрсатди. Натияжада икки километрлик кўчага асфальт ётқизилди.

Колхоз правлениесининг саркотиби, коммунист, сисий ахборотчи Тўлаған Бобоевнинг суҳбатлари ана шундай таъсирчан бўлиб, ажойиб самаралар бермоқда.

С. ҚОДИРОВ.



ЙҮЛЛАР, МАНЗИЛЛАР

ҳам бирин-кетин кетмон кўтариб чиқиб келаётганлиги. Ота-хонларнинг ташаббусидан ёшлар ҳам ўзларини олиб қўчилади. Натияжада, шаба, ақшаб кунлари қабристон тартибга солинди.

Бу Содиқ отанинг олтинчи йиллик умридаги энг сўнгги, хайрли ишларидан бир шикнгли ҳолос. Агар у билан суҳбатда бўлиб қолсангиз, бежирим қирқилган мўйлабни сизлаб:

— Ҳайт ислии оқар сув экан. Бир маҳал мен қишлоқда энг илгор киши эдим. Яъни мен «техника» билан иш қилардим. Қизитган темирларим билан кишиларнинг ҳолатини чиқардим, ласган омот тишларим колхозда ер ҳайдар, ўроқларим бугдой ўрар. кетмонларим чопиқ чопар эди. Энди бундай қарасам замона жуда олдинга кетиб қолди, — дейди Содиқ ота.

Содиқ ота қишлоқда ўзининг оиласи билан ҳам ибратли. Катта ўғли Ҳошим ака мактаб директори, кейингиси Райимжон ака врач, қизи Турдихон ўқитувчи, Собиржон Совет армияси хизматида, Тўтихон Тошкент чет тиллар институтининг иккинчи курс талабаси, энг кенжаси Тўтихон 9-синфда аъло баҳолар билан ўқийди. Икки келини ҳам насб этган.

Ҳаётда шундай инсонлар бўладики, улар умр бўйи ўғалларининг бахтини ўйлаб, уларга бирор нафи тегишини назарда тутиб беҳишат меҳнат қилишади. Биз ҳикоя қилаётган киши ана шундай инсонлар тоифасидан. У ўзининг 30 йиллик меҳнат фаолиятида фақат халққа хизмат қилди. У ўзининг бу олатини ҳозир ҳам тарқ қилгани йў. Шу бондан ҳам уни қишлоқнинг каттадан қишлоқ хўрмат қилади, ўзларининг отахонини, маслаҳатқўйи, деб билади. Бирорта маъракани уеиз ўтказмайдилар. Ҳа, у қишлоқ отахонини. Бу меҳнатқор инсон Фўта-Чирчик район, 2-Оқанпарови совхозида истиқомат қилади.

Ҳ. ҚАРИМОВ.

ФАБРИКА ОДИМИ

Цехнинг чап томонидидагузунлиги сал кам эллик метр келадиган конвейер аста ҳаракат қилмоқда. Унда кирқ чевар тикув машинасида чаққонлик билан чармларни қоқилмоқда. ОМ-4 чарм қоқиллаш карусели айланиб турпти.

Устки чармларга белги қуювчи Ф. Зеленикова бир бойлам янги қирқилган чармин конвейерга қўйиб, иккинчи бойламин қўлига олар экан, дугонаси Г. Байбуриниға ўзатади.

Гали, бери кел. Бу нимаси? Чоқка амаритилган қисминини ақша тозаламасанми-ку. Шили бошдан шили қилмасан, ўзимиз уқлиб қоламиз.

Г. Байбурини 12 жуфт чармин қайтадан қўлидан ўтказди. Смена охирида у дугонасига намчилинини ўз вақтида кўрсатгани учун мишлатдорчилик билдирди.

Пойафзалчилар ўртасида шундай бир одат бор. Улар бир-бирларининг ишларини ўз-ара назорат қилиб борилади. 3-цехдаги. Рўзали Мамадалиев бошчилик қилаётган бу цех корхонада энг илгор устаклардан бири ҳисобланади. Ҳамроҳини, фабрика бош ишчиси Зўкур Салимжон пек жонқуяр ҳақида гапирар экан, Рўзали Мамадалиевнинг номини алоҳида тилаб олди:

— Рўзали фабрикадаги оддий ишчи бўлиб келганида мен цех бошлиғи эдим. Меҳнатсеварлиги, ҳаммасиларига бўлган яхши муомиласи билан тезла изат-икром топи, илгорлар қаторидан ўрин олди. Мастер бўлди. Тошкент политехника институтини сирдан битирди. Маана тўрт йилдирки цехга бошчилик қилмоқда.

Бундан ўн йил аввал корхонага оддий шогирд бўлиб келган Р. Мамадалиев бугун ўйлаб ўринбосарлари билан фахрланади. Удан хунар ўрганган Махир Қўрбонов смена мастери, Аскар Мирзаахмедов устак мастери, Аълохон Эржўнгов смена бошлиғи бўлиб ишламоқда.

Тўхтасин ака Фозилов фақат цехнинг эмас, балки корхонанинг шухрати ҳисобланади. У маана йигирма йилдирки ҳалол меҳнат қилиб, ҳаммасиларни хўрматини қозониб келмоқда. Пойафзалчининг қўлини Ленин ордени беаза турпти. Ёшлар ундан тажриба ўрганнашади. Чунки пояфзалчи қолпига тортиш операциясини ахтиёткорлик ва чаққонлиги талаб этеди. Цехда яна бир нишондор ишлайди. Бу Усмон Алиев бўлади. Усмон аканинг хизматлари



Шавкат Зиёвутдинов Оҳангарон пластмасса буюмлари ва бинокорлик материаллари комбинатида бир неча йилдан буён навбатчи элентрик бўлиб ишлаб келмоқда. У ўнган юклатилган вазифани аъло даражада адо этипти. Суратда: ўртоқ Ш. Зиёвутдинов.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ЖОНКУЯР МУРАББИЙЛАР

(ХАТЛАРНИ ҲҚИБ).

Тарбиячи! Устоз! Мураббий! Шерафли касб эгалари бўлган халқ ўқитувчилари! Мураббийлар хизмати бизда ҳаммиса эъзозланади, улуғланади.

Редакцияда келатган хат-хабарлар орасида моҳир педагоглар, меҳрибон устозлар ҳақида ёзилган материаллар ҳам анчагина.

Тажрибали ўқитувчи Шарофат Одилжонова ҳам маана, ўн тўққиз йилдирки ёш авлод тарбияси билан шуғулланиб келади. Газетдон А. Расулов Калинин районидидаги Гагарин номи мактаб ўқитувчиси Ш. Одилжоновнинг меҳнатсеварлиги ҳақида фахрланиб ҳикоя қилади.

Газетдон Т. Шералиев «Орденли ўқитувчи» деб номланган мақоласида Фўта-Чирчик районидида 92-мактаб ўқитувчиси Зафар Са

торованинг меҳнат фаолияти ҳақида ёзади. «Ярим аср халқ хизматида» сарлавҳали мақоланинг муаллифи газетдон Т. Журавев Калинин районидидаги 15-ўрта мактабнинг ақил педагогика коллективини ҳақида илқ гапларни айтган. Муқаррама оша Рафикова ҳам шу мактабда ишлайди. Салкам ярим асрдирки, у ўз шарафли касбини эъзозлаб келмоқда.

Неъмат ота Қаждорнинг оиласини зиёкорлар оиласи деса бўлади. Отанинг ўзи Калинин районидидаги 83-ўрта мактабнинг ташкил этилувчилардан бири, моҳир педагог. Унинг фарзандлари ота изидан бордилар. Рўзи Қаждорова ҳам ўқитувчилик касбини танлади.

Ана шулар ҳақида газетдон М. Қодирова ёзади: Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига халқ маорифи ходимлари ҳам катта тайёргарлик кўрмоқдалар. «Ўқитиш ва тарбия беришдаги барча ютуқларини Илчи юбилейга» деган шонор остида меҳнат қилаётган илгор билим ўчоқларидан бири Тошкентдаги 63-ўрта мактабдир. Мактабнинг педагогик коллективни шонли сана олдида қатор ибратли тадбирларни амалга оширди. Бу ерда доҳий музей очилди.

Газетдон Э. Туркменов яқинда ана шу мактабда бўлиб, ўқитувчиларнинг қатор ибратли ишларини қаламга олган.

Шунингдек, Бекобод шаҳрида:


ги 2-ишчи-ёшлар, Янгийўл районидида Оқунбобоев номи колхоз болалар бончасида, Оҳангарондаги 103, Оққўрғон районидидаги Чапеев номи, Бўзқа районидидаги Байдуков номи, Тошкентдаги 14, 119-мактабларда ҳам шонли юбилейга муносиб совғалар ҳозирланмоқда. Улар ҳақида газетдонлардан М. Рўзиматов, А. Имомов, Ф. Варфилмоев, Р. Токибоев, Б. Даниев, Ж. Инозтовлар бизга хабар қилишган.

Редакциямиз М. Мирпўлатова, Г. Жамбулова, А. Қодиров, Ф. Муратов, И. Рахмиев, Ш. Сиддиқхўжаевлардан ҳам хатлар олди. Улар ҳам областимизнинг турли шаҳар ва районларида фаол меҳнат қилаётган жонкуяр педагогларимизнинг ибратли ишлари ҳақида фахрланиб ёзишади.

КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган саяхат арбоби Зокир Иноғожов эллик ёшга тўлди. Шу муносабат билан республика «Билимлар уйи»да қаниқли рассоянинг ижодига мансуб бўлган виставка очилди. Унда З. Иноғожов чизган ранг-баранг суратлар номийиш этилмоқда. Суратда: виставка залида.

И. Глауберзон фотоси.



И. ЛЕНИ.

